ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 6 декабр, чоршанба № 193 (2242)

Ушбу сонда:

2 ҲАКАМЛИК МАСЪУЛИЯТИ

3 ИШЧИ-ХОДИМ МАНФААТИ биринчи ўринда

4 МУЗЕЙ — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

● *Касаба уюшмалари ҳаётидан*

## НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМ

Юртбошимизнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойи қатнашчиларига йўллаган мурожаатномасидаги «Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, касаба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юклайди» деган сўзлари касаба уюшмалари ҳаракатида янгиланиш ҳамда демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш, касаба уюшмаси аъзолари сафини кенгайтиришда янги шаклларни излаб топиш, хўжалик органлари билан ижтимоий шерикчилик тамойилларига биноан ўзаро ҳамкорликни янада жонлантиришга ундамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республика савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши саъй-ҳаракати билан тармоқ ва ҳудудий даражадаги ижтимоий шерикчилик мустаҳкамланмоқда. Жамоавий-шартномавий муносабатларни ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жамоа шартномалари тузаётган юридик шахслар улуши бир ярим баробарга ортди. Хусусан, энг кўп ўсиш иқтисодиётнинг нодавлат секторида кузатилди. Жамоа шартномаларининг ижтимоий вазифаси кучайди. Уларнинг ходимлар иш ҳақи ва даромадларига таъсири ошди. Жумладан, бу давлат ташкилотларида 80, чет эл инвесторлари иштирокидаги корхоналарда 46, хусусий корхоналарда 62, жамоа ташкилотларида 109 ва тармоқнинг бошқа ташкилотларида 178 фоизни ташкил этди.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўқув марказида бўлиб ўтган тармоқнинг навбатдаги II Пленумида ана шулар хусусида сўз юритилди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**


Қиш зийнати

*Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига*

***Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида — корхона ва муассасаларда, олийгоҳлар, ўрта махсус касб-ҳунар таълим меҳнат жамоаларида бахтимиз қомуси бўлмиш Конституциямизнинг 14 йиллиги катта тайёргарликлар билан кутиб олинмоқда. Негаки, Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги, шунингдек, давлатнинг Асосий қомуси сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади. Шунингдек, Конституциямизда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодаси ва мухтасар баёнини топган.***

## ҚОНУНЛАР ЭЛ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», дея алоҳида ёзиб қўйилган. Шу боисдан ҳам фаолиятимизни ташкил этишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор бериб келмоқдамиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан вилоят прокуратура органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг 956 та ариза ҳамда шикоятлари кўриб чиқилиб, шундан 119 таси қаноатлантирилди. 2643 нафар фуқаро эса прокурорларнинг шахсий қабулида бўлишган. Мурожаатлар имкон қадар қаноатлантирилган ва уларга қонуний ҳуқуқлари батафсил тушунтириб берилган.

Маълумки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Лекин бу борада қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамасдан тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилиб келаётган, уларнинг ички молия-хўжалик ишларига асоссиз равишда аралашаётган мансабдор шахсларнинг ҳамон мавжудлиги ниҳоятда ачинарлидир. Бизга келаётган мурожаатларнинг айрим қисми бевосита ана шундай ҳақсизликлар хусусидадир.

Қизилтепа туманидаги «Қосим ота» фермер хўжалиги аъзолари ўзларига тегишли бўлган Т-4 русумли ҳайдов трактори билан ҳозиргача деҳқончилик юмушларини енгиллатиб келишаётир. Аммо туман давлат техника назорати инспекцияси мансабдор шахслари мазкур ҳайдов тракторини қонун талабларига зид равишда сохта ҳужжатлар тузиб, бошқа бир фуқарога бериб юборишгани маълум бўлди. Бу — фермер хўжалигининг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зиддир. Шу сабабли туман прокурори томонидан давлат назорати инспекцияси туман бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айблов хулосаси билан судга юборилган ҳамда жазо муқаррарлиги таъминланган.

Кармана туманида тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатиш эвазига мансабдор шахслар томонидан таъмагирлик қилиш ҳоллари учраб турибди. Туман «Ҳазора» ширкат хўжалиги тендер комиссия раиси 1,8 гектар ерни фермерга бериш эвазига 300 минг сўмни таъмагирлик қилиб олганлиги аён бўлиб қолди. Бу ҳолат юзасидан ҳам туман прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди ва айбдорлар тегишли жазога тортилди.

***Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.***

***Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.***

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси*

Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида вилоят прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 14 та тақдимнома киритилиб, 16 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 24 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслиги ҳақида расман огоҳлантирилди. Тадбиркорлик субъектларига етказилган 2 миллион сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Уларнинг манфаатларини кўзлаб, хўжалик судларига 32 миллион сўмлик 27 та даъво аризалари киритилди. Даъволар суд томонидан қаноатлантирилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан эса 7 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар суд ҳукми билан жазога тортилди.

**Облокул АЗИМОВ,**
**Навоий вилояти прокурори биринчи ўринбосари**

## ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНДИ

***"Жанубгаз" унитар корхонасининг Сурхондарё вилояти бўйича ҳудудий газ таъминоти корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, воҳада уч мингдан ортиқ газ тақсимлагич ускунаси мавжуд. Вақт ўтиши билан уларнинг бир қисмида эҳтиёт қисмлар яроқсиз ҳолга келиб қолаётгани табиий газ тақсимотининг бузилишига сабаб бўлаётган эди.***

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида "Термиз таъмирлаш-механика заводи" масъулияти чекланган жамиятида газ тақсимлагич учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишнинг тўғри ташкил этилгани натижасида корхонада қисқа вақт ичида қарийб мингта газ тақсимлагич учун 16 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Зарур ускуналарнинг қайта таъмирланаётгани эвазига хонадонларни занжори олов билан узлуксиз таъминлашга эришилмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ**

● *Олий Мажлис қонунчилик палатасида*

## 25 ОКТЯБР - ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИ КУНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси биринчи ўқишда тақдим этган қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликда ўзининг ҳиссасини қўшаётган, қолаверса, халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечириши, барча соҳаларда олиб бораётган бунёдкорлик ишларида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига раҳна солувчи хавф-хатарларнинг олдини олишга кучғайратини сарф этаётган ички ишлар идоралари меҳнатини эътироф этиш лозим.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимиз раҳбари томонидан Собиқ иттифоққа тўғридан-тўғри бўйсунадиган, марказ тасарруфида бўлган вазирликларнинг республикамиз ҳудудида ҳуқуқий мақомини бекор қилиш ва Ўзбекистон дея аталмиш янги мустақил давлат таркибига олиш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилинди. Улар орасида 1991 йил 25 октябр куни «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 270-сон қарори муҳим аҳамиятга моликдир. Бу билан собиқ марказга тобе бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилиб, Мустақил Ўзбекистон давлатининг янги бир ҳуқуқ-тартибот органи вужудга келди.

Ўтган даврда халқимиз томонидан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда, фуқароларнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш, келажакка ишонч туйғусини шакллантиришдаги унинг ролини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг тинчлик ва осойишталигини, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш осон кечмади. Дастлаб Наманганда, сўнг Фарғона, Тошкент вилояти Бўка ва Паркент туманларида рўй берган воқеалар ички ишлар ходимларини жиддий синовдан ўтказди. Улар мустақиллик душманларининг хуружларига дуч келдилар, қанчалари бу йўлда ҳаётдан кўз юмдилар.

Депутатлар 25 октябрни Ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгилаш ҳақида қарор қилдилар. Бу куни ўтган касбдошлар эсланади, ёш кадрларни ўз касбига муҳаббат руҳида тарбиялаш учун сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказилади, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Бу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан ҳам маъқулланди.

## ИСЛОҲОТ ТАЛАБИГА МОНАНД

Шунингдек, депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Кейинги йилларда иқтисодиётга солиқ юкини босқичма-босқич пасайтириш, солиқ солиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, солиқ имтиёзларини оптималлаштириш асос қилиб олинган бўлиб, унга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Биринчидан, иқтисодиётнинг солиқ юкини пасайтириш ва корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳиссасини ошириш мақсадида уларнинг даромад солиғини 12 фоиздан 10 фоизга пасайтириш билан бир қаторда, даромад солиғи ҳисобидан айрим харажатларни солиққа тортиладиган базадан чегириш назарда тутилган.

Иккинчидан, иш ҳақи фондида солиқ юкини пасайтириш ва аҳоли даромадларини легаллаштириш мақсадида Солиқ кодексининг 55-моддасидаги жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқнинг ўрта ва юқори ставкалари тегишлича 20 фоиздан 18 фоизгача ва 29 фоиздан 25 фоизгача пасайтирилади.

Учинчидан, солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш мақсадида баъзи корхоналар учун илгари тўлаб келинган солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилади.

Тўртинчидан, кам самарали имтиёзларни бекор қилиш, амалдагиларини тартибга солиш ва янгиларини киритиш кўзда тутилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур Қонун лойиҳасини тасдиқлаб, Сенатга юборган эди.

Сенаторлар ҳам Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар сўнги йиллар мобайнида мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар талабига монанд киритилаётганини таъкидладилар ва маъқулладилар.

**Довуд МАДИЕВ,**
**«Ишонч»нинг Парламентдаги мухбири**

● *Касаба уюшмалари ва ижтимоий ҳимоя*

## ИНСОН КЎНГЛИ ГУЛДАН НОЗИК

***Комил инсон ҳамиша эзгулик ҳис-туйғуси билан яшайди. Меҳр-мурувват, хайр-саховат, раҳм-шафқат, беминнат ёрдам, илм-маърифат тарқатишдек савоб ишларга кўл уради.***

Атрофига 147 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган кенгашимиз ҳудудий тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, серфарзанд оилалар, ногиронлар, байналмилалчи жангчилар, фахрийларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касб касалликларига дучор бўлганлар, камқон, шифокорлар ёрдамига муҳтож аёлларнинг бепул даволанишини таъминлаш, бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланганларга доридармон ва йўлланмалар ажратишга алоҳида эътибор бермоқда.

Бундай мақсадлар учун 673 та муассасада 911 нафар кам таъминланган, кўп болали оилаларга таълим муассасалари маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан 10558 минг сўм маблағ сарфланди. 519 та ташкилотда 875 нафар кўп болали аёлларнинг иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилиб, 2,2 миллион сўм тўланган бўлса, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган оналарнинг 546 нафари 1 миллион 316 минг сўм моддий ёрдам билан қўллаб-қувватланди.

Вилоят кенгаши томонидан доимий ҳомийликка олинган 15 нафар, шунингдек, қуйи касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳомийликка олинган 65 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон педагог-ходимларнинг ҳолидан доимий хабар олиб келинмоқда.

Яккабоғ тумани Охунбобоев кўчасида яшовчи Миркомил Даминов, Ж. Михлиев номли хўжаликда яшовчи Бекмурод Хушвақтов, Чироқчи тумани Паканди қишлоғидан Жуманазар Меҳмонов, Уймавут қишлоғидан Нарзулло Бегимқулов, Ғузор тумани Жарариқ маҳалласидан Шокир Номозовлар қарийб ярим асрлик умрини халқ таълимига бағишлаган. Йил бошидан бери тўшакда ётиб қолган бундай ногиронлар ҳолидан кўп бор хабар олиниб, оилавий шароитини яхшилашга кўмаклашилди.

Вилоят кенгашининг Қарши шаҳар вакили Ж. Тўрақулова ва ҳалқ таълими бўлими раҳбарлари беморлигини туфайли азият чекаётган Самарқанд маҳалласидан Ҳ. Муҳаммадиева, Худойзод кўчасидан Д. Эшмуродова, С. Ёрқуловалар хонадонига ташриф буюриб, ун, доридармон, озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилдилар. Беморлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга жалб этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 80 нафар ўқитувчи оиласига 2,2 миллион сўм, олий ўқув юртлари маъмурияти ҳисобидан 84 нафар кам таъминланган профессор-ўқитувчиларга 1,3 миллион сўмлик моддий ёрдамлар уюштирилди.

Вилоят ҳокими ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қарори асосида ишлаб чиқилган «Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш» дастурига мувофиқ жорий йилда 123 та оиладан хабар олиш режалаштирилган. Ҳар ҳафтада касаллиги туфайли тўшакда ётиб қолган камида 3 нафар кишилардан кўнгил сўраб, тегишли ёрдам уюштирилади. Ҳозирга қадар 120 та хонадонга бориб оила аъзоларига 1560 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Ҳудудий тармоқ келишувлари ва таълим муассасаларида қабул қилинган жамоа шартномалари орқали педагог-ходимлардан 1577 нафарига манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича махсус дастур тузилиб, иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан 22 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, санаторий-профилакторий ва болалар оромгоҳи йўлланмалари олиб берилди ҳамда бошқа турдаги моддий ва маънавий ёрдам уюштирилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган, жамоатчи, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма стипендиялари таъсис этилган. Айни пайтда бундай қулайликдан вилоят бўйича 24 нафар ўғил-қиз фойдаланмоқда. Ўнлаб ёшлар ўзларининг пухта билимлари ва иқтидорларини намойиш этиб, тенгдошларига ўрнак бўлишаяпти. Яқинда Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театрида касаба уюшмаси стипендиялари тантанали топширилди ҳамда 120 нафар педагог-ходимлар ва 150 нафар талаба ёшлар учун театрлаштирилган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қарори ижросини таъминлаш бўйича Шаҳрисабз туманининг Қўл ва Ғилон қишлоқларидаги чегара постлари, Қарши шаҳридаги сержантлар мактабида хизмат қилаётган ҳарбийлар билан учрашувлар ташкил этилди. «Балли, йигитлар» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи, Чироқчидаги ақли заиф, Шаҳрисабз туманидаги туғма нуқсони бор болалар, Қарши шаҳридаги кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳузурига тез-тез бориб, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳал этилаяпти. Қарши Давлат университети касаба уюшма қўмитаси шаҳардаги 3-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ҳомийлик алоқаси ўрнатган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорлари талабларидан келиб чиқиб тузилган «Бандлик» дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти. Вилоят кенгаши меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда таълим муассасаларида бандлик, меҳнат муносабатларини шакллантириш ва такомиллаштириш тўғрисида 2006 — 2008 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Тизимда 565 та янги иш ўринлари очилиб, янгидан фойдаланишга топширилган 7 та касб-ҳунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳисобига 453 киши иш билан таъминланди.

Таълим муассасалари қошида ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарида 112 нафар ходим ўз иш ўрнига эга бўлди. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича семинар-кенгашлар, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштиришга қаратилган ўқувлар ўтказилиб, меҳнат қонунчилиги масалалари пухта ўргатилмоқда. Вазифасидан ноқонуний озод қилинган 30 дан ортиқ ходим касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан ишга қайта тикланди. Бахтсиз ҳодисалар оқибатида зарар кўрган ходимларга 5 миллион сўм миқдорида товон пуллари ундириб берилди.

Инсон манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик касаба уюшмаларининг нуфузини оширади. Ташкилотчилик қобилиятини мустаҳкамлайди. Ижтимоий шериклар билан ҳамкорлик туфайли касаба уюшма аъзолари сони 9044 тага кўпайди. Кенгаш тасарруфида 70 та бошланғич касаба уюшма таянч ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида Шаҳрисабз туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли, Чироқчи туманидаги 4-умумтаълим мактаблари, вилоят кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ғолибликни эгаллаб, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши. Касаба уюшма ташкилотлари тизимида ишлаётган ҳар бир киши буни унутмаслиги, бутун саъй-ҳаракатларини шунга қаратиши лозим.

**Шодмон КУБАЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси**

• *Излаган имкон топади*

***Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг кенг қулоч ёзишига йўл очмоқда. Абдулбори Умаров ҳам орзулари ойдин, бир ишни бошласа охирига етказмасдан қўймайдиганлар сирасидан.***

# АҲОЛИ ТАЛАБИ

## фаолият мезони

У асли қурувчи. Мингбулоқ тумани қишлоқларини ободонлаштириш, маданий-маиший бинолар, мактаблар қурилишига катта ҳисса қўшган. Ўттиз йилдан ортиқ шу соҳада меҳнат қилди. Мамлакатимиз истиқлолга эришиб иқтисодий ислоҳотлар бошлангач, ўзининг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга киришди.

— Бу борадаги режани амалга ошириш учун биринчи навбатда қурилиш материаллари керак эди,— дейди А.Умаров.—Бундоқ ўйлаб қарасам, ғишт туманимизга вилоят маркази ва қўшни туманлардан сотиб олиб келинаркан. Ўзимиздаги шу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона эса беш-олти йил илгари тўхтаб қолган. Шу боисдан корхонани сотиб олиб, қайта юргизишга ҳаракат қилдим. Эскирган ускуналар янгиси билан алмаштирилди, бинонинг кўп жойлари қайта таъмирланди. Ниҳоят, 2003 йилдан фаолият юрита бошладик. Бугунги кунда бу ерда юздан ортиқ киши ишлайди. Кунига 20 мингдан кўпроқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

Эҳтимол, бошқа биров бўлса, мана ғишт заводини ишлатиб қўйдим. Шундан келадиган даромад ҳам рўзғоримга етади, деб юраверириши мумкин. Лекин Абдулбори Умаров фақат ўзини ўйлайдиганлар тоифасидан эмас. Эл-юртга кўпроқ фойда келтириш йўлларини излади.

— Кемага тушдингми, манзилни белгиладингми, буёғига бўшашмаган маъқул, — дейди суҳбатдошимиз. — Ишсиз қолган қурувчилардан ташкил топган бинокорлар бригадасини ташкил қилдим. Улар кучи билан қурилиш ва ободонлаштириш ишларини давом эттирдим. Бригадамиз аъзолари Гўртепа қишлоғидаги 43- ва Мулкобод қишлоғидаги 12-мактабларни тўлиқ таъмирлаш ишларида фаол қатнашишди. Шунингдек, ўтган йили Терак ва Ўзгариш қишлоқларида бунёд этилган коллежлар, мактаблар қурилишида ҳам салмоқли ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Келажакдаги режалар ҳақида сўраганимизда шундай жавобни олдик.

— Биринчи навбатда иморат қураётган аҳолининг ғиштга бўлган талабини тўла қондириш, пишиқ, арзон қурилиш маҳсулоти етказиб бериш чорасини кўрмоқдамиз. Яна битта билим даргоҳида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Мақсадимиз— келажагимиз эгалари бўлган ёшлар ёруғ, озода ва ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган биноларда билим олиши учун хизмат қилиш.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ЙЎЛОВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Кейинги йилларда Бухоро-1 темир йўл бош бекатида йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишнинг янги қирралари намоён бўлмоқда. Айниқса, сўнгги марта таъмирлашдан сўнг бинонинг ташқи ва ички кўриниши тубдан ўзгариб, замонавий тус олди. Кўкаламзорлаштирилган ён атрофлар, гулу гулзорлар киши ҳавасини келтиради.

Бекат ходимлари ҳар куни бу ердан Тошкент, Андижон, Қарши шаҳарларига қатнайдиган, шунингдек, шаҳарлараро поездлар йўловчиларига намунали хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога ташриф буюрган меҳмонларни очиқ чеҳра ва хушмуомалалик билан кутиб олиш, манзилларига ошиқаётган йўловчиларни кузатиш, ҳудуднинг тоза-озода, саранжом-саришталигини таъминлаш, ишни аниқ график асосида ташкил этиш уларнинг бош шиорига айланган. Жамоа ходимлари яқин ойлар ичида йўловчиларга яна бир қатор қулайликлар яратиш режаларини белгилаганлар.

***Суратда: бекат бошлиғи вазифасини бажарувчи Фарҳод Рўзиев (чапдан иккинчи), навбатчилар Орзигул Ҳасанова, Фарида Алемсаитова ва Баҳодир Латипов билан галдаги вазифаларни белгиламоқда.***

**И.ҲОЖИЕВ олган сурат**

# БАНКРОТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

## унда суд бошқарувчисининг роли қай даражада?

**Бугунги кунда мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлигига оид бўлган муносабатларни тартибга солиш борасида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ва бу жараён ҳамон давом этаётир. Мазкур муносабатларда эса суд бошқарувчиларининг фаолияти муҳим ўрин эгаллайди.**

**Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартда қабул қилинган «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низомда суд бошқарувчисига қўйиладиган талаблар ўз аксини топган.**

**«Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низомнинг 2-қисмига мувофиқ хўжалик судлари суд бошқарувчиларини суд санацияси ўтказилганда санация бошқарувчиси, ташқи бошқарув жорий этилганда ташқи бошқарувчиси, кузатиш тартиботи жорий этилганда муваққат бошқарувчи, тугатишга доир иш бошланганда тугатиш бошқарувчиси сифатида тайинлайди.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот эканлигини ҳамма билади. Бироқ бу ташкилотнинг тизимлари, амалдаги тартиб ва қоидалари, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун биз билиш зарур бўлган муҳим маълумотлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

# ҲАКАМЛИК МАСЪУЛИЯТИ

• *БМТ тизимлари*

БМТ жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1945 йилда Сан-Францискода ташкил этилди. Ўша йили июнда қабул қилинган БМТ устави октябр ойида элликта мамлакат томонидан ратификация қилинди. БМТнинг бош қароргоҳи Нью-Йоркда, Жон Рокфеллер томонидан совға қилинган ерда қад ростлаган бинода жойлашди. Ҳозир унинг офислари дунё бўйлаб жойлашган. Женева билан Венада ташкилотнинг йирик комплекслари мавжуд.

«Бирлашган миллатлар» иборасини биринчи марта АҚШ президенти Франклин Рузвельт иккинчи жаҳон урушида Берлин-Рим-Токио учлигига қарши урушган иттифоқчиларга нисбатан ишлатган. Кейинчалик бу ибора фашизмни таг-томири билан йўқ қилиш учун бел боғлаган йигирма олтита давлат томонидан имзоланган «Бирлашган Миллатлар Декларацияси»да ўз ифодасини топди. БМТ ўз фаолиятини бошлаганидан кейин эса бу ибора жаҳон миқёсида оммавийлашди ва расмий тус олди.

Уставда ташкилотнинг мақсадлари баён қилинган. Бу мақсадлар жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашдан, тинчликка таҳдид қиладиган ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш учун биргаликда курашишдан, жаҳонда тинчликнинг бузилишига олиб келадиган ҳар қандай низолар ҳамда вазиятларни халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида бартараф этишдан, тинчлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар йўналишлардаги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга оширишдан, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар барча халқларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишдан, умуман, миллатларнинг келишиб ҳаракат қилишларини таъминлайдиган марказ бўлишдан иборат.

Ана шу мақсадларга эришиш учун БМТнинг барча аъзолари Устав қоидаларига амал қилишлари шарт. Барча аъзо давлатлар мустақил тенгликка асосланадилар. БМТ давлатларининг ички ваколатларига кирадиган ишларга аралашмайди. Аъзо давлатлар БМТнинг Устави асосида фаолият кўрсатишга ҳар томонлама ёрдам берадилар. Улар БМТнинг қарорларига ва бошқа чора-тадбирларига қарши хатти-ҳаракатлар қилган ҳар қандай давлатга ёрдам кўрсатишдан ўзларини тийиб турадилар. Аъзо давлатлар ўзларининг низоли халқаро масалаларини тинч воситалар билан ҳал қиладилар. Уставга биноан БМТ таркибида олтита асосий тизим таъсис этилган. Булар: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик бўйича Кенгаш, Халқаро Суд ва Котибият. Бундан ташқари, БМТнинг турли соҳаларни ривожлантириш, инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича дастурлари ҳамда фондлари, қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси бор. Шунингдек, БМТнинг соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, халқаро авиация, метеорология ва бошқа соҳаларда иш олиб борадиган ихтисослашган муассасалари ҳам бўлиб, улар ўз фаолиятларини БМТнинг фаолияти билан мувофиқлаштириб олиб борадилар.

Бош Ассамблея таркибига БМТнинг барча аъзолари киради. Ҳозир улар 191 та. Ҳар бир давлат Бош Ассамблеяга бештадан кўп бўлмаган делегатни вакил қилади. Ҳар бир давлат битта овозга эга. Тинчлик ва хавфсизлик бюджет ва янги аъзолар қабул қилиш каби муҳим масалаларда овозларнинг учдан икки қисми зарур. Бошқа масалаларда қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Масалаларнинг аксарияти Бош Ассамблеянинг асосий қўмиталарида муҳокама этилади. Жумладан, биринчи қўмитада қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик, иккинчи қўмитада иқтисодиёт ва молия, учинчи қўмитада маданият, ижтимоий ва гуманитар ёрдам, тўртинчи қўмитада мустамлакачилик ва сиёсат, бешинчи қўмитада маъмурий ишлар ва бюджет, олтинчи қўмитада ҳуқуқ билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Кенг ваколатларга эга бўлган Бош Ассамблея БМТ Бош котибини тайинлайди, ташкилотга янги аъзолар қабул қилади, умуман БМТ фаолиятида марказий ўринни эгаллайди. Шунга қарамасдан Бош Ассамблея қарори юридик жиҳатдан мажбурий мақомга эга эмас. Аммо бу қарор жаҳон жамоатчилигининг фикрини ифодалагани учун ҳам халқаро миқёсда салмоқли аҳамиятга эга.

БМТ Уставига кўра, ер юзида тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун бутун масъулият Хавфсизлик Кенгаши зиммасига тушади. Бу тизим бешта доимий ва ўнта доимий бўлмаган, яъни ўзгариб турадиган аъзолардан иборат. Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Россия, Франция Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Ўнта вақтинчалик аъзо эса Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланади. Нафақат Хавфсизлик Кенгаши аъзолари, балки БМТ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ҳам ер юзида тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қиладиган ҳар қандай низо ёки можаро юзасидан Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиши мумкин. Бунда ўша давлат овозга эга бўлмаган ҳолда мазкур низо ёки можарони муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бироқ, шарти шуки, юз берган низо ёки можаро бу давлатнинг манфаатига дахлдор бўлсагина унинг муҳокамада иштирок этишига йўл қўйилади. Қабул қилинадиган қарор учун тўққизта давлат ёқлаб овоз бериши керак. Агар Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзосидан биттаси қарши овоз берса ҳеч қандай қарор қабул қилинмайди.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга 54 давлат аъзо. Улар Бош Ассамблея томонидан уч йил муддатга сайланган. Ҳар бир давлат битта овозга эга ва қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Кенгашнинг тўртта доимий қўмитаси бор. Бу қўмиталар ноҳукумат ташкилотлар, дастурларни мувофиқлаштириш, планлаштиришни ривожлантириш, табиий ресурслар бўйича иш олиб борадилар. Бундан ташқари, статистика, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ривожланиш, аёллар ҳақ-ҳуқуқи, жиноятчилик ва ҳуқуқшунослик, фан ва технологияни ривожлантириш, аҳолини кўчириб жойлаштириш, янги ва қайта тикланаётган энергия манбалари, наркотиклар бўйича комиссиялар ишлаб турибди. Женева, Бангкок, Сантьяго, Аддис-Абеба, Бағдод шаҳарларида минтақавий иқтисодий комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Кенгаш таркибида ўн биттадоимий ишлайдиган эксперт-лар гуруҳлари мавжуд. Баъзан вазият тақозосидан келиб чиқиб махсус экспертлар гуруҳлари тузилади.

Кенгаш маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва иқтисод йўналишларида халқаро масалалар бўйича маърузалар тайёрлайди ҳамда тадқиқотлар ўтказади. Ана шу масалалар юзасидан Бош Ассамблеяга ҳамда БМТ аъзолари бўлган давлатларга тақдимотлар киритади. Шунингдек, Кенгаш ана шу масалалар бўйича ўз ваколати доирасида халқаро конференция чақириши мумкин.

Васийлик бўйича Кенгаш ҳомийликдаги ҳудудларда аҳолининг аҳволини яхшилаш ва уларнинг мустақилликка ҳамда ўз-ўзини бошқаришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Ҳозир ўн битта шундай ҳудудлар бор. Уларнинг аксарияти БМТ ёрдамида алоҳида ҳудудлар ёки бирорта мустақил давлатга қўшилган ҳудудлар сифатида ўз-ўзини бошқаришга эришдилар. Эндиликда Васийлик бўйича Кенгаш ўз иш тартибини ўзгартириб, фақат зарурат туғилган ҳолатдагина тўпланадиган бўлди.

Халқаро Суд БМТнинг бош судлов органи ҳисобланади. Унда давлатлар ўртасидаги юридик низолар ҳал этилади. Шунингдек, Халқаро Суд БМТ ва унинг ихтисослашган муассасаларига маслаҳат-ҳулосалар беради. Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, БМТнинг бошқа органлари зарур маслаҳат-ҳулосалар юзасидан Халқаро Судга сўров билан мурожаат қилар эканлар, бунинг учун аввало Бош Ассамблеянинг розилигини оладилар. Суд алоҳида шахсларнинг ишини кўрмайди.

Суднинг таркиби 15 нафар судьядан иборат. Улар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан тўққиз йил муддатга сайланади. Судья қайси давлатнинг фуқароси эканлигига қараб эмас, балки унинг малакаси асос қилиб танланади. Ҳатто БМТ аъзоси бўлмаган давлат фуқароси ҳам сайланиши мумкин. Бироқ, битта давлатдан бир неча судья сайланиши мумкин эмас. Халқаро Суд халқаро конвенциялар, ҳуқуқий меъёр сифатида эътироф этилган халқаро тартиб-қоидалар, ҳуқуқнинг миллатлар тан олган умумий асослари, турли мамлакатлар малакали мутахассисларининг хулосалари асосида қарор қабул қилади.

Ташкилотнинг кундалик ишини Котибият бажаради. Ҳозир бу ерда жаҳондаги турли мамлакатлардан келган 8900 нафар мутахассис ишлаб турибди. Котибиятни Бош котиб бошқаради. Бош котиб Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан Бош Ассамблея томонидан беш йил муддатга сайланади. У янги муддатга қайта сайланиши мумкин. Ҳозирги Бош котиб Кофи Аннан самарали фаолият кўрсатди. Буни кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, дипломатлар, журналистлар эътироф этишди. Янги йилдан бошлаб Жанубий Корея вакили Бош котиблик қилади.

Жаҳон кун тартибида турган энг долзарб масалаларни ҳал этишда, мураккаб муаммоларнинг ечимини топишда, ер юзида тинчликка таҳдидни бартараф этиш ва хавфсизликни таъминлашда, давлатлар ҳамда миллатлар ўртасида тотувликка эришишда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шубҳасиз, БМТнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Жаҳон ҳамжамиятининг бошини қовуштириб, ер юзида ҳакамлик вазифасини бажараётган БМТдек энг нуфузли халқаро ташкилот ҳақида юқоридаги зарур маълумотларни билиб қўйиш, сўзсиз, ҳар биримиз учун фойдали.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**
**«Туркистон-пресс»**

# ЗАЛВОРЛИ МЕҲНАТЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

## Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси Муяссар Раҳимова билан суҳбат

**— Муяссар опа, Сиз раҳбарлик қилаётган тармоқ касаба уюшма кенгашининг бугунги кунги вазифалари нималардан иборат бўлмоқда?**

— Айни замонда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоятимиздаги ўқув-тарбия муассасаларида ишлаётган ўқитувчи, тарбиячи ва ишчи ходимлар, шунингдек, Хоразм Маъмун академияси олимлари, олий ва ўрта махсус билим юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар манфаатини ифодалайдиган ягона оммавий ташкилот сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг бугунги кундаги асосий вазифамиз давлатимиз қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари моҳиятини кенг оммага етказиш, амалда бажарилишига кўмаклашиш ва шу орқали уюшма аъзоларининг қўллаб-қувватланишини ичил амалга оширишни такомиллаштиришдан иборат бўлмоқда.

Қувонарлиси шуки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этган ҳолда умумтаълим мактабларини малакали ўқитувчилар билан таъминлаш, педагогларни қайта тайёрлаш, уларнинг залворли меҳнатини рағбатлантиришга жуда катта эътибор қаратиб келинаяпти. Жумладан, бизнинг олдимизда ҳам мактаблар спорт базасини мустаҳкамлаш, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, ходимлар меҳнати ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор вазифалар турибди.

Дарҳақиқат, 2005-2009 йилларда мактаб бинолари барпо этиш, қайта мукаммал таъмирлашнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра ўтган давр мобайнида 2 та янги мактаб қурилди, 35 та мактаб қайта таъмирланди, 433 тасида эса жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

**— Ўзингизга маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига қўшимча ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарор талаблари ҳаётга қай йўсинда татбиқ этиляпти?**

— Мазкур қарор талаблари асосида жорий йилнинг 1 августига қадар директор жамғармаси орқали 12460 нафар педагог касб маҳорати ва синфдан ташқари ишлари учун 1012642 минг сўм устама ҳақ олди. Ходимларни рағбатлантиришга эса 653966 минг сўм, моддий ёрдамга эса 98369 минг сўм маблағ сарфланди.

Сир эмаски, Истиқлол даврида касб-ҳунар коллежларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ўқувчи-ёшларнинг билим олиши ва педагог ходимларнинг самарали меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. 49 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи бинолари фойдаланишга топширилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга қулай ва хавфсиз иш, дам олиш шароитлари яратилди, ўқитиш самарадорлиги ошди.

**— Касаба уюшма аъзоларининг нуфузи ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилоти тасарруфида ҳозирги кунда 370 та мактабгача, 533 та ўрта мактаб, 57 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва 1 та олий таълим ўқув муассасалари мавжуд. Шунга мувофиқ равишда касаба уюшма аъзоларимиз сони ҳам ҳар йили 5000 нафарга ошяпти. Мустақиллик даврида бу нуфуз 49845 нафардан 110484 нафар аъзога кўтарилди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини 1922 гуруҳ, 755 та цех, 288 та бошланғич ташкилот, 5 та туман кенгаши, 6 та ҳудудий вакиллик ва 3 та бирлашган бошланғич касаба уюшма қўмиталари муҳофаза қиляпти.

**— Жамоа шартномалари бажарилиши қай йўсинда кечаётганини билишни истар эдик...**

— Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2005 йилда 21726 сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич беш йил олдинги даврдагига нисбатан 7,5 баравар кўпдир. Шунингдек, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастури тадбирлари келишув ва жамоа шартномаларида ўз аксини топди. Унинг амалда бажарилиши юзасидан халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронларга 2370,7 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг 542 нафарига 2395,0 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди.

**— Вилоятда ёшларнинг сифатли ўқитилиши ва дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган деб ўйлайсизми?**

— Албатта! Чунки Хоразм ёшлари кенг ва шинам, компьютерлаштирилган, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган ўқув лаборатория хоналарида таълим олмоқдалар. Улар кутубхоналарда ўқиб-ўрганиш, муҳташам спорт заллари ва майдонларида машғулот олиб бориш имкониятига эгадирлар. Талабалар турар-жойларидаги ахвол қониқарли даражада бўлмаса-да, аксариятида етарли шарт-шароитлар мавжуд. Уларда маънавият ва маърифат, дам олиш, гигиена хоналари ишлаб турибди. Савдо, овқатланиш, маиший хизмат тизимлари ҳам фаолият кўрсатаётир. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ўқув юрти маъмурияти, ёшлар ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртида, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи талаба ҳамда ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши махсус стипендия таъсис қилган. Мана 5 йилдирки, энг иқтидорли ва жамоатчи ёшлар касаба уюшма стипендиясини олиш шарафига муяссар бўлмоқдалар.

**— Спортни оммавийлаштириш борасида қилинаётган ишлар қандай кечаётир?**

— Спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларнинг спорт орқали иродасини чиниқтиришни ўз олдимизда турган муҳим вазифа деб биламиз. Шу боисдан ҳам "Аёллар спартакиадаси", "Фахрийлар спартакиадаси" каби тадбирларни тез-тез ўтказиб бориш анъанага айланган. Сиҳат-саломатлик йилида 13 мингдан зиёд касаба уюшма аъзолари спортга жалб қилинди. Жорий йилда ҳам III Аёллар спартакиадаси кўтаринки руҳда ўтказилди. "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз" шиори остида бўлиб ўтган "Юнифайт спорт" спартакиадаси иштирокчиларда кўтаринки руҳ, спортга янада кучли ҳавас уйғотди.

Вилоят тармоқ касаба уюшма Кенгаши, мана 5 йилдирки, соҳа ходимларининг ногирон фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида "Спешиал Олимпикс" халқаро ҳаракати билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни ҳаётга татбиқ этиб келяпти. Жойларда "Умид" спорт клубларига 1000дан ортиқ ногирон болалар жалб қилинган. Улар Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги II махсус Олимпия ўйинларида хоразмлик қизлар енгил атлетика бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишиб, 4 та кумуш медалга сазовор бўлдилар. Шу йилнинг 22 — 27 мартида Навоий шаҳрида I махсус миллий Олимпия ўйинларида Боғот туманидаги 92-мактаб-интернат қизлар жамоаси баскетбол бўйича иштирок этиб, фахрли I ўринни эгаллаб қайтдилар.

**Эрпўлат БАХТ суҳбатлашди**

● *Тармоқ касаба уюшмаларида*

# ИШЧИ-ХОДИМ МАНФААТИ БИРИНЧИ ЎРИНДА

***Бугунги суҳбатдошимиз Яндош ака Ярашев. Ўз касбини улуғлаган инсонлардан бири. Ўз меҳнат фаолиятини Навоий иссиқлик электр станциясида оддий электрикликдан бошлаган Яндош Ярашев тез орада катта уста, цех бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатиб, тилга тушди. Бу юксалиш йўлида унга Тошкент политехника институтида олган билимлари кўп асқотган. 1986 йилдан буён Навоий ИЭС корхонасида касаба уюшма раиси бўлган Яндош ака соҳанинг оғир-енгилини жуда яхши билади. Қарийб беш марта шу лавозимга сайланиши ҳам кўп нарсани англатади, албатта.***

***2003 йилда вилоят тармоқ касаба уюшмаси раиси лавозимига сайланган Яндош ака бу ерда ҳам уч йил ишлаб қўйди. Кишининг меҳнат маҳсули у эришган ютуқлар билан ўлчанади. Айни пайтда Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят вакиллиги барча соҳаларда етакчилар сафига чиқиб олди. Республика миқёсида ўтаётган спорт ва маданий тадбирлар ҳам шулар жумласидан.***



***— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида ва касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги Ҳаракат дастурида касаба уюшма ташкилотлари зиммасига масъулиятли ва шарафли вазифалар юклатилган. Касаба уюшмалари ҳам кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида одамлар онгида демократик қадриятларнинг шаклланишига ҳамда жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи, иш берувчи ҳамда ишчи-ходимлар ўртасида ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларининг бир маромда кечишини таъминловчи оммавий жамоат ташкилотига айланиши лозим. Бу борада сиз етакчилик қилаётган тармоқда қандай ишлар амалга оширилмоқда?***

— Албатта, қурултойдан сўнг тармоқ касаба уюшмалари ўз иш режасини яна бир карра қайта кўриб чиқди. Тармоғимиз ўзида 15 мингдан зиёд аъзони бирлаштиради. Энг катта корхоналар «Навоийазот» ОАЖ, «Навоийэлектрокимё» заводи, «Навоий иссиқлик электростанцияси» ҳамда вилоят «Электр тармоқлари» корхоналари аъзолари сони бўйича етакчилик қилади. Бу ташкилотларнинг ҳар бирида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатяпти ва уларнинг ўз дастурлари мавжуд. Қурултойдан сўнг жамоа шартномаларининг асосий қисмларидан бири иш ҳақидан қарздорлик батамом тугатилди. Маъмурият ва касаба уюшма келишувига мувофиқ пластик карточкалар билан иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилди. Бунда ишчи-ходим ойлик маошининг 50 фоизи ўз хоҳишига кўра пластик карточка орқали тўланади.



Илгарилари жамоа шартномаларига мувофиқ ҳар олти ойда бир марта меҳнат консультацияларини ўтказиларди. Энди ҳар ойда махсус комиссия ва аъзолар жамоа шартномаларини кўриб чиқяпти. Камчилик ва муаммолар, ариза ва таклифлар жойида ўрганиляпти. Жамоа шартномаларига меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш каби мажбуриятлар киритилган. Натижада республика бўйича кейинги уч йил мобайнида жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши 96,1 фоиздан 97,4 фоизга ортган, яъни ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ 323,0 минг сўмдан 740,0 минг сўмга ошган.

Шиоримиз ҳам шуни тақозо этмоқда: «Ишчи-ходим манфаати доимо биринчи ўринда».

***— Ишчи-ходимлар қанча мароқли ҳордиқ чиқарса, спорт ва маданий тадбирларда мазмунли дам олса, иш унуми ҳам шунга яраша бўлади.***

— Соғлом танда — соғ ақл, деганларидек, тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. «Навоийазот» корхонаси меҳнаткашларига тегишли бўлган спорт-мажмуаси қайта таъмирланди. Янги 50х50 метрли спорт зали ва бошқа қурилишлар учун 8 миллион 700 минг сўм сарфланди.



Ўзбекистон Ёқилғи - энергетика, геология ва кимё саноати касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган Республика тармоқ спартакиадаси, «Она ва бола» кўрик-танлови, «Кураш», «Катта теннис» мусобақаларининг бошланғич ташкилотлардаги босқичи оммавийликни таъминлаб келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган республика спартакиадасида вилоятимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Бу вакилларимиз ишлаётган корхоналарда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилаётганини ҳамда мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрилаётганлигини тасдиқлайди. Раббим Умаров (Кармана электр тармоқлари корхонаси ишчиси) доимо шахматда ғолибликка эришиб келаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳар йили ўтказиладиган «Она ва бола» танлови ҳам ишчи-ходимларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилмоқда. Бу йил Бухорода ўтган танловда «Навоийэлектркимё» заводи ишчиси Ирода Эгамова фарзанди Исроил билан иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади. Бу тадбир ҳам ҳар бир корхонада ўтказилган.

***— Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоячиси бўлиш билан бирга жамоа шартномаларининг муҳим бўлаги бўлмиш меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлигига ҳам масъулдир.***

— Шубҳасиз. Айниқса, бизнинг соҳада меҳнат қилаётган инсонлар жуда омилкор ва билимли бўлишлари шарт. Инсон ҳаёти энг бебаҳо неъматдир. Шу боис, ишчига биринчи ўринда меҳнат шароити яратилиши лозим. Техника хавфсизлигига амал қилиш ҳам муҳим. Тармоғимизда кимёгар, электрик, механик, бурғуловчи, геолог ва бошқалар ишлайди. Биргина мисол. Электр токи кўзга кўринмас нур. Унда ишлайдиган ходим махсус билим ва малакага эга бўлмаса, турли кўнгилсизликлар юз бериши мумкин. Корхона ва ташкилотларимизда меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар тузилган бўлиб, улар меҳнат шароитлари ва техника хавфсизлиги масалаларини мунтазам ўрганиб боради. Хулосалар, муаммо ва камчиликлар касаба уюшма йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилади.



***— Тармоқ меҳнаткашлари соғлиғини муҳофаза этиш ва уларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш масалалари қандай ҳал этилаяпти?***

— Ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандлари соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида талай ишлар қилинди. Бу йил ёзда тармоғимизга қарашли «Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 996 нафар бола дам олдирилган бўлса, улардан 173 нафари кам таъминланган оила фарзандларидир. Бунинг учун 2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Тармоқ тизимидаги санаторий-профилакторийлар ва даволаниш муассалари аҳволи йил бошида таҳлил этилиб, аниқ чоратадбирлар кўрилади. Бу йил «Навоийазот» корхонаси профилакторийсини таъмирлаш ишлари учун 290 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги замонавий тиббиёт ускуналари келтирилиб ўрнатилди. «Навоийазот» ОАЖ профилакторийсида йил бошидан 993 киши соғломлаштирилди. Шундан 88 нафар меҳнат фахрийси, 77 нафар ногирон, 22 нафар ёш оила ва бошқалар саломатликларини тикладилар. Уларга касаба уюшма маблағларидан 22 миллион сўм сарфланди.

***— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» номи билан муҳрланадиган йилда тармоқда қандай хайрли тадбирлар амалга оширилди?***

— Ўн уч банддан иборат дастур ишлаб чиқилиб, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, уруш фахрийларига кўмак кўрсатилди. «Маҳалла-корхона» тамойили бўйича аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ҳомийлик асосида ёрдам кўрсатишга йўғрилган доимий ўзаро ҳамкорлик механизмлари яратилди.

«Навоийазот» ОАЖ томонидан шаҳримиздаги 8 та маҳаллага ҳомийлик кўрсатилган бўлса, Навоий тумани «Ҳазора» қишлоғидаги «Дегурон» спорт мажмуасини таъмирлаш учун 4 миллион олти юз минг сўм миқдорида ёрдам берилди. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Аслида тугамайди ҳам. Чунки касаба уюшма фаолияти ғоят серқирра. Уни бирдан қамраб олиш қийин. Лекин ҳаракат қилинса, ўйлайманки, ҳамма нарсага эришиш мумкин.

**Суҳбатдош:**
**Абдулҳай ЮНУСОВ**


# ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



***Ўзбекистон халқини Бош Қомусимиз — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.***

***Озод ва обод Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик абадий бўлсин!***

***Хонадонларингизни бахт-иқбол, хотиржамлик тарк этмасин, азизлар!***

15TH ASIAN GAMES DOHA 2006

# ВАКИЛЛАРИМИЗНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Тўрт йилда бир бор ўтадиган, нуфузи жиҳатдан Олимпиададан кейинги ўринда турадиган Осиё ўйинлари спорт мусобақаси бу йил ўн бешинчи бор ўз ғолибларини аниқлайди. Қатар пойтахти Доҳа шаҳридаги спорт ареналарида XV Осиё ўйинлари қизғин курашларга бой тарзда давом этмоқда.

Маълумки, 1994 йил Хиросимада ўтган XII Осиё ўйинларида футбол бўйича терма жамоамиз чемпионликка эришганди. Қатардаги баҳслар ҳам футболчиларимиз учун муваффақиятли бошланди.

Дастлаб, Бирлашган Араб Амирлиги терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этган вакилларимиз кейинги турда ҳам бўш келишмади. Нафақат «А» гуруҳининг, балки футбол баҳсларининг марказий ўйини деб таърифланган учрашув футболчиларимиз учун ўзига хос синов бўлди. Майдон эгалари очиқчасига қўпол ўйин намойиш этишди. Шундай вазиятларнинг бирида ярим ҳимоячимиз Элдор Магдиев жароҳат олиб, майдонни тарк этди. Александр Гейнрих, Виталий Денисов, Сервер Жепаровлар бир неча бор шифокор ёрдамини олишга мажбур бўлишди.

66-дақиқада Тимур Кападзенинг ажойиб тўп оширишидан сўнг А.Гейнрих томонидан киритилган гол ягона бўлиб қолди. Ушбу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. Футбол баҳслари қизғин давом этаётган кезларда бошқа спорт турлари бўйича совриндорлар аниқланмоқда. Дзюдочиларимиздан Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев ва Ўткир Қурбоновлар бронза медалларига эришишган бўлса, шоҳмотчиларимиз Рустам Қосимжонов, Алексей Барсов ва Ольга Собировалар 6-тур якунларига кўра пешқадамлар сафида боришяпти.

Боксчиларимиздан Рафиқжон Султонов (48 кг) вьетнамлик рақиби Нгуен Ван Ан устидан ғалаба қозонган бўлса, Баҳодир Султонов малайзиялик Эдди Калайни енгиб, кейинги босқичга чиқди.

Баҳслар давом этмоқда. Шуни эслатиш жоизки, бир қатор терма жамоаларимиз бугун Доҳа сари парвоз қилишади.

**Акмал АБДИЕВ**



## Бебаҳо қадриятлар

***Энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Бухоро ўнлаб асрлар мобайнида инсоният маънавий ва моддий маданияти тараққиётида салмоқли ўринга эга бўлиб келмоқда. Шаҳар ҳудудида эрамиздан аввалги асрдан бошлаб XX асрнинг бошигача бўлган даврга тааллуқли 400 дан ортиқ археологик, меъморий ёдгорликлар ва кўҳна турар-жой бинолари бизгача сақланиб қолган. Улар орасидан 11 таси меъморчилик сарой мажмуи, 8 та йирик мақбара, 47 масжид, 14 та карвонсарой, 39 та мадраса, археологик аҳамиятга эга 8 та тепалик, 264 та қадимий уй-жой биноси ва 32 та монументал санъат ёдгорлиги давлат муҳофазасига олинган.***

# МУЗЕЙ — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Бугунги кунда Италиянинг Рим, Францияниг Париж, АҚШнинг Вашингтон, Швециянинг Стокгольм, Германиянинг Берлин, Россиянинг Санкт-Петербург ва Москва, республикамиз пойтахти Тошкент каби йирик шаҳарлар музейлари экспозиция ва кўргазма залларини Бухоронинг тасвирий ҳамда амалий санъат коллекциялари безамоқда. 1993 йилда Бухоро ЮНЕСКОнинг Мисрдаги Менфис некрополи, фиръавнлар дафн этилган эҳромлар, Римнинг тарихий маркази, Афина акрополи, Москва Кремли, Хива қадимий мажмуи қатори жаҳон мероси шаҳарлари рўйхатига киритилгани, унинг бой маданиятга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Тарихий ҳужжатлар, қўлёзмалар, маданий ва маънавий ёдгорликлар, санъат асарлари, табиий бойликлар намуналарини тўплайдиган, сақлайдиган, уларни илмий-тарихий жиҳатдан ўрганадиган ва намойиш қиладиган илмий-маданий, махсус маънавият муассасаси музей ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг энг кекса ва катта музейларидан бири бўлмиш Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси экспозициялари ва доимий кўргазмалари 12 та сарой ва меъморчилик мажмуаларида жойлашган.

Бухоронинг 2500 йилдан ортиқ бой тарихини ҳамда ўнлаб асрлар давомида ушбу заминда ташкил топган жамият ҳаёти ва ижтимоий тарихнинг барча жиҳатларини, шу жумладан, ўзбек давлатчилик тарихини қамраб олган бирламчи манбалар ва моддий ёдгорликлар музей-қўриқхонаси коллекциясининг асосини ташкил этади. Шунга кўра у Россиянинг Новгород, Владимир-Суздаль, Италиянинг Венеция, Грециянинг Афина, Франциядаги Лувр музейлари қаторидан ўрин олган.

Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси давлат музейи сифатида 1922 йилнинг 8 ноябрида ташкил этилган. 1940 йилда Бухоро вилоят ўлкашунослик музейи мақомини олган, 1945 йилдан республика аҳамиятидаги III тоифали тарих-ўлкашунослик музейига айлантирилган. 1983 йилдан Бухоро тарихий-меъморчилик музей-қўриқхонаси сифатида фаолият кўрсатди. 1988 йилдан республика аҳамиятидаги I тоифали Бухоро давлат меъморчилик музей-қўриқхонаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бош идораси ва фонд жамғармаси Бухоро ҳукмдорларининг давлат муҳофазасидаги Арк қалъасида жойлашган. 12 та филиалга эга: Арк - вилоят ўлкашунослик музейи, Моҳи Хоса — халқ амалий безак санъати музейи, Файзулла Хўжаев уй-музейи, Камолиддин Беҳзод номидаги тасвирий санъат музейи, X — XI асрлар қомусий олими Абу Али ибн Сино мемориал музейи, Ромитан туман ўлкашунослик музейи, Имом ал Бухорий хотира-музейи, Пойкент шаҳарчаси тарихи музейи, Бухоро сув таъминоти музейи, Темирчилик санъати музейи, «Нақшбандия» тариқати музейи, Зиндон музейи — XVIII аср қамоқхонаси музейларидан иборат. Таркибида араб ёзувидаги Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ҳамда «Очиқ хазина» илмий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Очиқ хазина илмий марказида музей фондидаги бой коллекцияларнинг электрон версияларини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Музей-қўриқхона фондлари, экспозициялари ва доимий кўргазма залларида республикамизнинг бой ва бебаҳо маънавий ва моддий маданиятига, ўзбек халқининг давлатчилик сиёсати, унинг гўзал тасвирий ва амалий санъати, ўзбек халқининг бой этнографияси, унинг тарихий удумлари ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи жами 119735 экспонат сақланмоқда, шулардан 70795 таси асосий фондни ташкил этади.

Кўҳна ва бой тарихимиз, ота-боболаримиз ҳаёти ва фаолияти ҳамда яшаш тарзи ҳақида гувоҳлик берувчи ушбу экспонатларни ҳар йили 430 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳ томоша қилмоқда.

Шак-шубҳасиз, юртимиз ўтмиши, асрлар қаъридан бизгача етиб келган меъморчилик ёдгорликлари, шу жумладан ушбу заминда етишиб чиққан буюк Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абдухолиқ Ғиждувоний, Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Бобои Самоси, Анжир Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Мутал Бурхонов сингари қатор алломалар ҳамда давлат арбобларининг, уларнинг бой илмий ва маданий мероси, Бухоронинг қўлгул усталари томонидан яратилган амалий санъат асарлари, халқимизнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган кураши, бухороликларнинг бугунги қудратли бунёдкорлик фаолияти ҳамда келажакдаги улуғвор режалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

**Карим РУСТАМОВ,**
**Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари**
**Гулнора ҚОДИРОВА,**
**музей фонди катта илмий ходими**

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

***Дунёда бирор сабабсиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Шу жумладан ёнғинлар ҳам. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёки уни назар-писанд қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.***

# БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина Ҳамза тумани ҳудудида 148 та ёнғин содир бўлганлигини кўрамиз. Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин деган ҳикмат бор. Табиий офатлар натижасида улардан кўриладиган фожеали оқибатлар ниҳоятда оғир кечади. Афсуслиси шундаки, ўт балосига кўп ҳолларда одамлар ўзлари сабабчи бўлишади. Ёнғин ҳам оёқ остидаги фалокатки, эҳтиётсизлик жабрини тортиш унга йўл қўйганлар зиммасига оғир айрилиқларни солади.

Янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг қурилиш лойиҳа ҳужжатлари малакали мутахассислар томонидан мукаммал ишлаб чиқилса, содир бўлаётган ёнғинларнинг камайишига эришилган бўларди. Қурилиш меъёр ва қоидаларига зид равишда ўзбошимчалик билан қурилган иморатларнинг ёнғинга чидамсизлиги ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Лекин баъзилар бу нарсаларга жиддий эътибор қаратмаяпти. Арзон нарса, арзон устани топишга интиламиз. Ишимиз битиб ундан кўнглимиз тўлмаса-да барибир яна такрор шундай йўл тутаверамиз. Ўзимизча пулимизни тежаяпмиз, деймиз — аслида бепарволик қилиб бир неча баробар кўп пул сарфлаймиз.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими туман ҳокимиятида ташкил этилган ишчи гуруҳ билан ҳамкорликда туман меъмори, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси қошидаги махсус инспекция ходимлари, ДСЭНМ, ДСИ ва бошқа жамоат ташкилот вакиллари билан биргаликда туман ҳудудида ноқонуний қурилишларни аниқлаш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширишмоқда.

Кўп қаватли турар-жой бинолари, жамоат ва маъмурий биноларнинг олдига борувчи йўлларни тўсиб қўйиш, ўраб олиниш ҳолатлари бўйича алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодиса содир бўлганда ёнғин ўчириш автоуловлари белгиланган манзилларга қисқа муддатда етиб боришлари лозим.

Туман ҳудудида барпо этилаётган янги иншоотларнинг қурилиш лойиҳалари малакали мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш меъёр ва қоидаларига зид равишда қурилган иншоотларни аниқлаб, керакли чоралар кўрилмоқда.

**А.ЗИЯБЕКОВ,**
**Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант**

## Касаба уюшмалари шифо масканларида

# 60 ЁШИНГ МУБОРАК БЎЛСИН, «ЧИНОБОД»



***Ҳозир қаҳратон қиш бўлишига қарамай, мазкур санаторий одамлар билан гавжум. Бунинг боиси у йилнинг тўрт фаслида ҳам файзли бўлиб, дам олувчиларнинг кайфиятини кўтариб юбориши аниқ.***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Чинобод» сиҳатгоҳи бундан 60 йил муқаддам 75 ўринли ҳарбий госпитал ўрнида ташкил топган. Ўтган давр мобайнида у ҳам энига, ҳам бўйига ўсди. Хусусан, ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида ўринлар сонини кенгайтириш ишлари бошланиб, бирваракайига 4 та ётоқ бўлимлари қурилиб, ишга туширилди. Сўнг эса 5 қаватли, 12-ётоқ биноси фойдаланишга топширилди. Натижада 1968 йилга келиб ўринлар сони янада кўпайди.

Санаторийнинг моддий-техник базаси айниқса, мустақиллик йилларида ривожланди. Жумладан, 12-корпус жаҳон андозаларига мос равишда реконструкция қилинди. Федерация маблағи ҳисобидан битта люкс коттеж қурилди. Сиҳатгоҳга замонавий 3 та «ЭФГДС», 2 та «УЗТ», 3 та «ЭКГ» аппарати сотиб олинди. Умуман олганда, ҳозирги кунга келиб санаторий ҳисобидаги 70 фоиз асбоб-ускуналар янгиланган. Ўринлар сони эса 300 тадан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда масканнинг 22 гектарлик ҳудудида жойлашган замонавий бинолар, даволаш хоналари, 250 ўринли клуб, ёзги ва қишки кинотеатр, ошхона, чойхона, кутубхона, спорт майдончаси ва хоналари, гимнастика зали ҳамда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари дам олувчиларга хизмат қилмоқда. Шифохона ҳудудидаги 1554 метр чуқурликдан маъданли сувнинг чиқарилиши унинг довруғини янада оширди. Айни кунларда 58 — 65 даражада ҳароратли, таркибида кам ишқорли, сульфат, натрий ва бошқа кимёвий элементларга бой ушбу маъданли сув беморларни ҳар хил касалликлардан фориғ этиш учун ишлатилмоқда.

Бу ерда асосан жигар, ўт пуфак, сурункали сариқдан кейинги касаллик асоратлари, қабзият, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакяраси, гастрит каби касалликлар билан келган беморлар даволанишади. Бироқ 1996 йилдан бошлаб янги 30 ўринли гинекология, 30 ўринли она ва бола бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Қандли диабет хасталигига чалинган беморлар учун 20 ўринли бўлим ташкил этилгани боис ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш имкониятига эга бўлинди.



Бир сўз билан айтганда, бу ерга келган ҳар қандай бемор касаллик даражасига қараб шифо топиш имконига эга. Деярли барча даволаш усуллари физиотерапевтик муолажаларга асосланган эса сиҳатгоҳни бошқа шифо масканларидан ажратиб туради. Шифобахш маъданли сув, сувости массажи, циркуляр душ, балчиқ, озакерит, шағам, паст ва юқори кучланишли қувват билан даволайдиган физиотерапевтик хоналар, бальнелогик бўлимлар, жисмоний тарбия зали, физиотерапия, клиник биокимё, бактерология ва кичик лабораториялар дини енгиллаштирмоқда. Шифокорлар беморларни даволаш билан бир қаторда мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб борадилар. Физиотерапевтик муолажалар ва дориларнинг беъморларга таъсир даражаси ҳамда улар танасидаги ўзгаришларни кузатиб боришда илмий изланишлар натижаларига суянадилар. Бу ерда мунтазам олиб бориладиган илмий тадқиқотлар бўйича турли маърузалар ташкил этилади ва физиотерапевтлар учун ёрдам тариқасида тавсияномалар, қўлланмалар тузилади. Ушбу ва бошқа ишлар самараси ўлароқ сиҳатгоҳ 1999 — 2001 — 2003 йилларда Курортлар бошқармаси тизимида ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши санаторийси» танлови ғолиби бўлди. Ҳамшира Камола Азимова «Ҳамшира — 2005» кўрик-танловида биринчи ўринни олди.

— Сиҳатгоҳга келган ҳар бир беморни тиббий кўрикдан ўтказиб, унга аниқ ташхис қўйишга ҳаракат қиламиз, — дейди бош шифокор Одилжон Мамажонов. — Шифокорлардан тортиб ҳамшира, энагаларгача дам олувчиларга ширин сўз билан мурожаат қилишади. Чунки беморни даволашда муомаланинг аҳамияти жуда катта. Қадимда ҳам сўз сеҳри билан даволашга тиббиёт аллomалари катта баҳо беришган. Замонамиз тиббиёти аниқлашича сўз таъсир кучи ёрдамида инсон жисмидаги медиаторлар, гармонлар, биологик моддалар таркибида жиддий ўзгаришлар содир этилар экан. Бошқача айтганда, юракдан айтилган сўз юракка йўл топади. Шу боис масканимизда психотерапия кабинетини ташкил этганмиз. Ҳозир у ерда сўз сеҳри билан даволаш сеанслари ўтказилмоқда. Айниқса, қон босими кўтарилган асаб хасталикларида, руҳий сиқилиш ҳолатлари безовта қилаётган, уйқу дориларига ружу қўйган беморларда бу усул ажойиб самара бермоқда. Чунончи бошқа хасталиклар билан касалланган беморлар ҳам психотерапия усулидан фойдаланишмоқда.

Кейинги вақтларда шифо масканимизга келган беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида унинг йўлланмасида кўрсатилган бир эмас, балки бир неча касалликлар аломатлари борлиги маълум бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бу беморларга қўшимча даво муолажалари белгилаймиз. Баъзан шундай дам олишга келган кишилар ҳам тиббий назоратдан ўтганда касалликлари борлиги аниқланади. Баъзилари эса санаторийга зўрға бировлар ёрдамида келадилар. Бундай беморлар даволаш курсларини ўтаб, тетик-бардам бўлиб хайрлашаётганда айниқса, хурсанд бўламиз. Чунки шифокор учун беморнинг соғайишини кўришдан ортиқ қувонч бўлмаса керак. Шифокор учун касалнинг атрофида парвона бўлиб, унга берган дори-дармонлари зое кетмаганлигини кўриш нақадар мароқли.

Кутубхона саломатлик маскани маданият саройининг ичида жойлашган бўлиб, одамлар зиё масканига кириб мутолаа қилишади ёки ўзи билан керакли китобни олиб кетишади. Мухлислар сонини кўпайтириш мақсадида ёзувчилар, шоирлар иштирокида учрашувлар, кечалар, суҳбатлар ўтказилиб турилади. Кутубхонага янги адабиётлар харид қилинади. Бундан ташқари даволанувчилар вақтини самарали ўтказиш учун клубда турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилади. Рақс кечалари, ижодкор ва санъаткорлар билан учрашувлар шулар жумласидандир.

Тиббиёт ходимлари ва ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир мунча юмушлар амалга оширилаётир. Бунга маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси қўл келаётир. Унга асосан ходимлар моддий рағбатлантирилаётир. Шифокор, ҳамшира ва ходимларнинг ҳаммаси жамоа шартномасига асосан бепул махсус кийим билан таъминланган. Рентген ва шунга ўхшаш зарарли ишда ишловчиларга сут ва мева шарбати берилади. Ходимлар фарзандларини ёзги таътил пайтида юртимизнинг баҳаво жойларига юбориш уюштирилади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - Д.Камолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.20

Буюртма Г— 1415
Тиражи: 7406

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси